

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил январь ойининг 16 кун, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг очиқ суд мажлисида, ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи М.Камолов, судья ёрдамчиси С.Муродовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Навоий шаҳар прокурорининг ёрдамчиси С.Рашидов, судланувчи [REDACTED]нинг иштирокида, [REDACTED]га оид 1-2101-2304/399-сонли жиноят иши кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] 24.04.1996 йилда Навоий вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, муқаддам судланмаган, турмушидан ажрашган, 1 нафар фарзанди бор, маълумоти тугалланмаган олий, “Иссиқлик манбаи” ДУК Навоий филиали сув хўжалиши назоратчиси вазифасида ишлайди, Навоий вилояти, Кармана тумани [REDACTED], [REDACTED] кўчасида яшайди, мазкур жиноят иши бўйича 25.11.2023 йилда “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 12.12.2023 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддасининг 1-қисми, 28,211-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED], “Иссиқлик манбаи” ДУК Навоий филиалининг назоратчиси вазифасида ишлаб келиб, ўзи ишлаб келаётган ташкилотга ишга қабул қилиш юзасидан фуқаролар билан меҳнат шартномаси тузиш ва бекор қилиш ваколатига кирмасида фуқаро [REDACTED]нинг ишончига кириб, уни алдаб, 700 АҚШ доллари эвазига уни “Иссиқлик манбаи” ДУК Навоий вилоят филиали раҳбари [REDACTED] исмли шахс орқали, ишга жойлаштириб беришни ваъда қилиб, жорий йилнинг 31 октябрь кун соат 17-10 ларда, ариза муаллифи [REDACTED]дан Навоий шаҳар 7-кичик тумани, “Иссиқлик манбаи” ДУК Навоий вилоят филиалига қарашли 7-сонли ҳазина биноси ёнида кимёвий ишлов берилган 8 600 000 сўм пулларни олган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ашёвий далиллар билан ушланганган.

Суд мажлисида судланувчи [REDACTED], айбига иқрорлик билдириб, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, 2021 йилнинг 26 августидан “Иссиқлик манбаи” ДУК Навоий филиали сув хўжалиги назоратчиси вазифасида ишлаб келаётгани, хизмат вазифасига ўзига бириктирилган ҳудудлардаги хонадонлардаги иссиқлик ҳамда совуқ сув ҳисоблагичларининг назорат қилиш ва қарздорликлар бўйича огоҳлантириш ва бошқалар киришини, у



ишлайдиган бинода яъни ширкатда ишловчи [REDACTED] опа сентябрь ойида у ишхонага келаётган вақтида кўчада бир эркак киши билан суҳбатлашиб ўтирганини, шунда [REDACTED] опа билан ниманидир гаплашганида ёнида турган шахс билан уни таништирганлигини ва исмини [REDACTED] деб айтганлигини, сўнг ушбу шахсга [REDACTED] опа уни телефон рақамини берганлигини, сўнг у унга қўнғироқ қилиб учрашишни таклиф қилганлиги сабабли у билан Навоий шаҳар 7-кичик тумани худудида жойлашган “Янгиобод” номли кафенинг ёнида сентябрь ойининг ўрталарида учрашгани, шунда [REDACTED] унга оиласидан ажрашганлигини, унга уйланмоқчи эканлигини айтганлигини, аммо у унга эрга тегиш нияти йўқлигини айтгани, сўнгра у дўстона гаплашиб юришни таклиф қилганлигини, шу сабабли у билан телефон орқали ва телеграм орқали гаплашиб юргани, 2023 йил 27 октябрь куни [REDACTED] танишлари унга қўнғироқ қилишини айтганлигини, орадан бир-икки соат ўтиб нотаниш аёл қўнғироқ қилиб, [REDACTED] деб таништириб, унга ишсиз юргалигини, икки нафар фарзанди борлигини, унга ишга жойлаштириб беришини илтимс қилгани, шунда унга “Иссиқлик манбаи” ДУКда ишлаб келаётганлигини ва ушбу ДУКга назоратчиликга ишга қўйиб беришини айтганлигини, у рози бўлиб кутишини айтганлигини, шу билан у билан бошқа масала юзасидан бироз суҳбатлашгани, бир кун ўтиб, яъни 28.10.2023 йилда соат 14-00ларда [REDACTED] унга қўнғироқ қилиб, уни ишга жойлаштириш учун нима хужжатлар тайёрлаш кераклигини сўрагани, унга паспорт ва дипломдан нусха ҳамда 700 АҚШ доллар беришини сўраганлиги, у ҳозир Самарқанд шаҳрида эканлиги етиб келганидан сўнг унга учрашишини айтганлигини, 30.10.2023 йил соат 11-00ларда [REDACTED] унга қўнғироқ қилиб, 700 АҚШ доллар ўрнига сўм олиб келишини сўраганлигини, у унга сўм олиб келса ҳам бўлишини айтганлиги, кейин 31.10.2023 йилда соат 14-00ларда Наргиза унга қўнғироқ қилиб, Хатирчидан экани, Навоий шаҳрини унча билмаслигини, қаерга боришини сўрагани, у келганидан сўнг қўнғироқ қилишини, манзилини айтишини, шу билан соат 16-30 ларда қўнғироқ қилиб, Навоий шаҳрига келганлигини айтгани, унга Навоий шаҳар 8-сонли ўрта мактабнинг орқа томонига келишини айтганлиги, орадан бир соатлар ўтиб, [REDACTED] унга қўнғироқ қилиб, 8-сонли мактабнинг орқа томонига ҳайкални ёнида турганлигини, шу ерга келишини сўраганлигини, у шу пайтда иш ҳонада эканлигини у қўнғироқ қилганидан сўнг уни олдига борганлигини, у билан кўришгани, унга паспорт ва диплом нухасини олиб келмаганлигини, кейинчалик олиб келишини айтиб, унга бир ўрамда бўлган пулларни бергани, у пулларни олганлиги, у пулларни санаб олишини айтганлигини, унга санамасдан олишини айтганида, [REDACTED] пулларни ўзи санаб унга “бу ерда 8 миллион 600 минг сўм” деб қайтариб узатганлигини, ундан пулларни олиб ушлаб туриб, энди бироз кутиб туришини айтгани, сўнг бошқа мавзуда суҳбатлашиб бўлиб, кетганлигини, 5 дақиқалар ўтганидан сўнг нотаниш кишилар келиб, ўзларини ДХХ ва ИИБ ходимлари деб таништириб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, ундан 10 дақиқа олдин нима воқеа бўлганлигини сўраганлари, уларга ҳақиқатдан бўлган воқеаларни барчасини айтиб бергани, у олган пуллар махсус кукун билан ишлов бўлган бўлгани, олдин рўйхатга олингани, ушбу 8 600 000 сўмлар ённома билан солиштиришганда баённома билан бир ҳил эканлиги,



шунингдек, махсус чироқ орқали кўздан кечирилганда махсус кукун доғлари борлиги, қўл бармоқларида кукун излари борлиги аниқлангани, бу ишга бўлим бошлиғи [REDACTED] ни алоқаси йўқлигини, [REDACTED] иш ўрин очилиб қолса айтиши учун унга телефон қилганлигини, бироқ [REDACTED] акага [REDACTED] дан пул олишини айтмаганлигини, [REDACTED] ҳам фуқароларни ишга жойлаштириш ваколатига эга эмаслигини, у [REDACTED] и ишга жойлаштира олмаслигини ҳамда “Иссиқлик манбаи” ДУКда ишловчи юқори лавозидаги танишлари йўқлигини, у фуқаро [REDACTED] дан 700 АҚШ долларини алдаб олиб ўқишининг контрактўловига тўламоқчи бўлгани, қўл телефонида [REDACTED] га тегишли рақамни [REDACTED] иш” деб сақланганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, турмушидан ажрашгани, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд, судланувчи [REDACTED] нинг айби, ўзини судда айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, унинг мансабдор шахсга пора беришга далолатчилик қилиб, фирибгарлик, яъни хизмат мавқеидан фойдаланиб, алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгани мулкани қўлга киритишдаги жиноятлари судда тўпланган қуйидаги далиллар билан, яъни:

судда гувоҳ [REDACTED] нинг дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, Навоий шаҳар ободонлаштириш бошқармасида жорий йилнинг май ойидан буён қоровул вазифасида ишлаб келиши, ушбу хонадонни коммунал хизматларини 7-кичик туман ҳудудида жойлашган шаҳобчага тўловларни амалга ошириб келиши, 2023 йилнинг июль ойида ишдан қайтаётганида яшаш уйининг эшиги олдида бир номаълум шахс нимадир қилаётганлиги хонадонининг эшигини тепасида ўрнатилган видео камераси орқали телефонида кўриб қолганлиги, шу вақтда у яқинлашиб олганлиги боис тезроқ етиб келганлиги, келганида бир аёл киши ўзини сув тўловлари бўйича назоратчи бўлиб ишлашини унинг яшаш хонадонини қарздорлиги борилигини, уйда ҳеч ким бўлмаганлиги сабабли, қарздорлик бўйича билдиришномани эшикка қистириб кетаётганлигини айтган вақтда танишиб қолганлиги, кейинчалик ушбу аёл ўзини [REDACTED] деб таништиргани, сўнг у ушбу шаҳобчага коммунал тўловларни тўлаш учун борганида [REDACTED] унга [REDACTED] исмли бир аёлни таништирганлиги, у билан танишиб қолиб сўраганида у турмушидан ажрашганлигини, сўнггра Навбаҳор билан яқинроқ танишганлиги, гаплашиб юрганлиги, жорий йилнинг октябрь ойида у Навбаҳордан ўзига олдиндин таниш бўлган [REDACTED] ни аҳволи оғирлашиб қолганлигини уни ўзи ишлайдиган корхонада иш бўлса киришда ёрдам беришини сўраганида, ишга кирита олишини айтгани, [REDACTED] исмли бошлиғи орқали қўйишини айтгани, сўнггра унга [REDACTED] га телефон рақамини беришини, у билан ўзлари гаплашиб олишини айтганлиги, қолган ҳолатлардан унинг хабари йўқлиги ҳақидаги кўрсатув;

судда гувоҳ [REDACTED] нинг дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, Навоий шаҳарда жойлашган “Дурдона” номли кафеда ишлаганида унга бир нотаниш киши бу ерларда ишламаслигини, таниши “Навбаҳор” исмли шахснинг телефон рақамини бериб, уни “Иссиқлик манбаи” ДУКга ишга киритишини айтганлиги, сўнг, жорий йилнинг октябрь ойида “Навбаҳор” исмли қиз билан телефон орқали танишиб, ишсиз эканлигини, моддий томондан



қийналаётганлигини айтгани, шунда у уни “Иссиқлик манбаи” ДУК Навоий шаҳар филиалида ишловчи танишлари орқали “Иссиқлик манбаи” ДУК Навоий шаҳар филиалига назоратчи вазифасига ишга киритиб қўйишини ва бунинг эвазига 700 АҚШ доллари бўлишини айтганлиги, у ушбу ҳолат ноқонуний эканлигини билиб, Департаментнинг Навоий шаҳар бўлими бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилгани, сўнг тезкор тадбир ўтказилишини айтгани, ушбу тезкор тадбирда фуқаролик бурчини бажариш учун ихтиёрий қатнашишини билдиргани, сўнг унга 100 000 (бир юз минг) сўмлик купюрадаги 80 (саксон) дона жами 8 000 000 (саккиз миллион) сўм ҳамда 12 (ўн икки) дона 50 000 (эллик минг) купюрадаги жами 600 000 (олти юз минг) сўм ҳаммаси бўлиб 8 600 000 (саккиз миллион олти юз минг) сўм пуллар мутахассис томонидан рақамли серия ва рақамли пулларга “ПОРА-2023” ёзуви ёзилиб, сўнг, махсус лампа билан кимёвий ишлов берилган купюралар ёритилиб, барча иштирокчиларга кўрсатилганлиги, ушбу пуллар унга холислар иштирокида тақдим қилинганлиги, пул купюраларида кукун излари оч сариқ ялтироқ рангида бўлгани, махсус қалам билан ёзилган “ПОРА-2023” сўзлари кўринганлиги, кейин унга [REDACTED] исмли шахс билан бўладиган суҳбатини ёзиб олиш учун унга қора рангли овоз ёзиб олувчи мослама тақдим қилинганлиги, шундан сўнг, [REDACTED] исмли қиз билан кўришишдан олдин у яна бир марта у билан телефонда гаплашганлиги, қаерда кўришишларини келишиб олганлиги, у тезкор ходимларга Навбаҳор исмли шахс билан Навоий шаҳар ҳудудида жойлашган 8-сонли мактаб атрофида кўришишини айтганлиги, у департамент ходимлари кузатуви остида “Навбаҳор” исмли шахс билан учрашиш учун Навоий шаҳрида жойлашган 8-соли мактаб атрофига борганлиги, тахминан соат 17:00ларда атрофида 8-сонли мактабнинг орқа томонида жойлашган “Иссиқлик манбаи” ДУК Навоий шаҳар филиалининг олдида Навбаҳор билан кўришганлиги, у [REDACTED] га 8 600 000 (саккиз миллион олти юз минг) сўм пулларни бермоқчи бўлганлиги, [REDACTED] унга пулни санаб беришини айтганлиги, шундан сўнг у пулларни санаб [REDACTED] нинг қўлига берганлиги, Навбаҳор бир қўлидаги телефон билан пулларни олиб, эгнида бўлган кийими ичига солганлиги, шундан сўнг, [REDACTED] билан ҳайрлашиб у кетганидан сўнг тезкор ходимлар [REDACTED] нинг олдида бориб уни ашёвий далиллар билан ушлаганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

судда гувоҳ [REDACTED] нинг ДУК Иссиқлик манбаи Навоий шаҳри филиалида аҳоли билан ишлаш тақсимлаш участкаси бошлиғи лавозимида жорий йилнинг октябрь буён ишлаб келиши, олдин шу жойда мухандис лавозимида ишлаганлиги, ҳозирги лавозимида хизмат вазифаларига қўл остидаги уста ва назоратчиларни ижро интизомини назорат қилиш аҳолига берилган, яъни иссиқлик ва совуқ сувларни ҳисоблагичларидан ўтган қисмини тўловини ундиришлар киришини, бироқ ушбу лавозимда иш берувчи ҳисобланмаслигини, иш берувчи ушбу ҳолатда ДУК Иссиқлик манбаи Навоий шаҳри филиали бошлиғи ҳисобланишини, ишга қабул қилиш ва ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш филиал раҳбарининг ваколатига киришини, у ишга қабул қилиш жараёнида ўзига бириктирилган [REDACTED] дудда ишдан бўшаган ишчи ходимлар ўрнига у томонидан тавсия [REDACTED] и бериш ваколати йўқлигини, у фуқаро [REDACTED]



танишини, у ҳозирда уни қўл остида назоратчи вазифасида ишлаб келишини, оиласидан ажрашган, ота ва онаси билан Кармана туманида яшашини, фуқаро [REDACTED] унга октябрь ойининг охирида қўнғироқ қилиб ўзининг бир дугонаси борлигини ва унга жой бўшаса уни жойлаштиришга ёрдам сўраган эканлигини, шунда унга ишга қабул қилиш масласини ҳал қилиш уни ваколатига кирмаслигини, ишга кириш бандлик бўлими томонидан квота асосида филиал раҳбарининг буйруғига асосан қабул қилиниши ҳақида жавоб берганлигини, [REDACTED] бировни ишга киритиш ҳақида умуман гапирмаганлиги ҳақидаги кўрсатуvidан ташқари;

фуқаро [REDACTED] нинг мурожаати, билдирги; тезкор тадбир давомида 1, 2, 3, 4, 5, 6-сонли конвертларга солинган намуналар; фуқаро [REDACTED] дан олинган “ПОРА-2023” ёзувли 1 та 100 000 сўмлик 2 дона 50000 сўмлик купюралар; кимёвий ишлов беришда фойдаланилган 8-сонли конвертга солинган 1 жуфт қўлқоплар; аризачи Ч.Бўриева аризага илова сифатида тақдим этган 1(бир)дона DVD+R диск; 31.10.2023 йилдаги воқеа жойини кўздан кечириш ҳамда ашёвий далилларни олиб қўйиш ҳақидаги баённомаси; CD-R дискларда ёзилган телефон сўзлашувлар ва аудио ёзувларни [REDACTED] га эшиттириш тўғрисидаги 22.11.2023 йилдаги баённома; судга оид-кимёвий экспертизанинг 25.11.2023 йилдаги 333-сонли хулосаси, тадбирда фойдаланилган 8600.000 сўм пул ва ҳамда судда аниқланган бошқа рад этиб бўлмайдиган объектив далиллар йиғиндиси билан исботланган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисидаги ”ги 7-сонли қарорининг 5-бандида ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 4-бандида, фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилиши кўрсатилган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] нинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 1-қисми билан нотўғри, 28,211-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи [REDACTED], “Иссиқлик манбаи” ДУК Навоий филиали назоратчиси вазифасида ишлаб келиб, хизмат мавқеидан фойдаланиб, [REDACTED] ни ушбу корхонага назоратчи вазифасига [REDACTED] исмли бўлим бошлиғи орқали ишга кириш эвазига 700 АҚШ доллари талаб қилган. Аммо [REDACTED] га нисбатан дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан эмас, балки 25,168-моддаси 1-қисми билан айб эълон қилинган.



Бироқ суд мажлисида тарафлардан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 416-моддаси бўйича илтимослар тушмаганлиги сабабли, суд ишни ушбу айблов бўйича кўришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сонли Қарорининг 6-бандида, судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарурлиги;

Бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунча берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 45-моддасида, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорнинг мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир этганлиги учун асосий жазо тариқасида тайинланганда-бир йилдан беш йилгача муддатга, қўшимча жазо тариқасида тайинланганда-бир йилдан уч йилгача муддатга белгиланиши; агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорга асосий жазо тариқасида тайинланмаган бўлса, бундай жазо суд томонидан ушбу Кодекс **Махсус қисмининг** тегишли моддасида назарда тутилган ҳар қандай турдаги жазога қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига кўра судланувчи [REDACTED] ни айбига иқрорлиги, қилган ишидан пушаймонда эканлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолат деб, ЖКнинг 56-моддасига кўра, жиноятни ғараз ва бошқача паст ниятларда жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топади.

Суд, юқоридаги жиноят қонунчилиги ҳамда Олий суд Пленуми қарорлари раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, судланувчи [REDACTED] га жазо тури ва миқдорини белгилаш масаласини муҳокама қилиб, уни қилган ишидан пушаймондалигини, айбига иқрорлигини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, шахсини инобатга олиб, у айбли топилган Ўзбекистон Республикаси ЖК 25, 168-моддаси 1-қисми билан модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, [REDACTED] ни айбига иқрорлиги, турмушидан ажрашганлиги, жиноят оқибатида зарарнинг мавжуд эмаслигини, шахсини, аёллигини, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, ушбу ҳолатларни унинг жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбди деб топилган ЖК 28,211-моддаси 1-қисми билан модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59-моддаси тартибида



тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, судланувчи [REDACTED] ушбу жиноятни бевосита хизмат мавқеидан фойдаланиб содир қилганлигини инобатга олиб, ЖКнинг 45-моддасига асосан қўшимча жазо, яъни давлат корхоналарида назоратчи вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, жиноят ишида ашёвий далил деб эътироф этилган 1,2,3,4,5,6,8-сонли конвертларга солинган намуналарни йўқ қилишни; 7-сонли конвертга солинган “пора-2023” ёзуви қайд этилган 1 та 100.000 купюралари, 2 та 50.000 купюралари пуллар Департаментнинг Навойи вилоят бошқармаси ходими [REDACTED] га тилхат асосида қайтарилганлигини инобатга олишни, сўроқ баённомаларини, аризачи илова қилган DVD+R дискни, воқеа жойини кўздан кечириш ҳамда ашёвий далилларни олиш баённомаси, сўзлашувларни эшиттириш баённомаси, 33-сонли судга оид кимёвий экспертиза хулосасини иш ҳужжатларида қолдиришни;

Тезкор тадбирда фойдаланилган 8.600.000 сўм нинг 8.400.000 сўми 31.10.2023 йилдаги баённомага асосан Департаментнинг Навойи вилоят бошқармаси махсус кассасига қайтарилганлигини инобатга олишни лозим топади.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473, 497¹-497⁷, 497⁹-497¹¹-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Судланувчи [REDACTED]

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 1-қисми ва 28,211-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин.

[REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддасининг 1-қисми ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 йил муддатга “Иссиқлик манбаи” ДУК тизимидаги корхоналарда назоратчи вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиб, 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖК 28,211-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

[REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 1 йил муддатга “Иссиқлик манбаи” ДУК тизимидаги корхоналарда назоратчи вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 1 (ой) муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси жазо ижросини назорат қилувчи орган томонидан белгиланган жойларда ўтаттирилсин ва жазони ўташ муддати корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан бошлаб ҳисоблансин.



Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижроси Кармана туман ИИБ Пробация гуруҳига юклатилсин.

Судланувчи [REDACTED] га қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган:

1,2,3,4,5,6,8-сонли конвертларга солинган намуналар йўқ қилинсин.

7-сонли конвертга солинган “пора-2023” ёзуви қайд этилган 1 та 100.000 купюралари, 2 та 50.000 купюралари жами 200.000 сўм пуллар Департаментнинг Навойи вилоят бошқармаси ходими [REDACTED] га тилхат асосида қайтарилганлиги инobatга олинсин.

Сўроқ баённомалари, аризачи илова қилган DVD+R диск, воқеа жойини кўздан кечириш ҳамда ашёвий далилларни олиш баённомаси, сўзлашувларни эшиттириш баённомаси, 33-сонли судга оид кимёвий экспертиза хулосаси иш ҳужжатларида қолдирилсин.

Тезкор тадбирда фойдаланилган 8.600.000 сўмнинг 8.400.000 сўми 31.10.2023 йилдаги баённомага асосан Департаментнинг Навойи вилоят бошқармаси махсус кассасига қайтарилганлигини инobatга олинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, судланувчи ёки жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан 10 (ўн) сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шу суд орқали Навойи вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайътига шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

/имзо/

М.Камолов

Аслига тўғри

